

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 209 (10.012)

2003 ЙИЛ 28 ОКТАБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **БУГУН** Акмал Икромов туманида жойлашган 116-мактабда «Оилам соғ бўлса — маҳаллам обод бўлур» мавзусида Файзулла Хўжаев ва Усмон Юсупов номли маҳаллалар фаоллари ҳамкорликларида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан ўзбек тилига Давлат мақоми берилганига 14 йил тўлганлиги муносабати билан тадбир ўтказилди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан қабул қилинган қарорга кўра «Қўйлик буюм бозори» ва «Бектемир мол, ем-хашак ва тирик парранда бозори» масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилаётган бўлди.

● **29 ОКТАБРЬ** куни «Ўзбекистон — умумий ўйимиз» шiori остида ўтказилган республика фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи Яккасарой, Шайхонтоҳур туманларида бўлиб ўтди.

● **МИРЗО** Улугбек тумани ҳудудида Тошкент шаҳар Кубоги учун автомобилларнинг Халқа бўйлаб пойгаси 3-босқич финал мусобақалари бўлиб ўтди.

● **АБДУЛЛА** Авлоний номли халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўқитувчилар иштирокида «Мавнавият кунни» тадбири ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги академик лицейда ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирокида ташкил этилган тадбир «Гивандлик — аср вабоси» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги **Матбуот** хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент,
2003 йилнинг 25 сентябрь куни Тошкентга ташрифимиз давомида менга ва делегация аъзоларига кўрсатилган самимий меҳмоннавозлик учун Сизга ўз миннатдорлигимни изҳор қилиш мақсадида мактуб йўллаганман.

Менга кўп вақт ажратганингиздан миннатдорман ва Афғонистондаги вазият юзасидан оқилона тавсияларингизни юқори баҳолайман. Сизнинг фикрларингиз эртасига Кобулга қилажак сафарим арафасида ниҳоятда фойдали бўлди. Кобулда ва кейинчалик Шотландияда президент Ҳамид Карзай билан бўлиб ўтган учрашувда мен Ўзбекистоннинг Афғонистон ўтиш ҳукуматини ва Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган сайёҳ-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатъий мажбуриятини қайд этиб ўтдим.

Ташрифим давомида таъкидлаганимдек, Халқаро хавфсизликни таъминлаш кучлари (ISAF) доирасида НАТОнинг етакчи ролини тўла қўллаб-қувватлаганингиз ва мазкур операцияга аниқ кўмак бериш бўйича қимматли таклифингиз Альянс томонидан юқори баҳоланди. Биз Сизнинг таклифингизга мумкин қадар қисқа муддатда, яқин келгуси ҳафтalarda жаваб қайтарамиз.

Ўзбекистон ҳукумати ва парламенти то-

монидан НАТО ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга нисбатан билдирилган қизиқишлар менда катта таассурот қолдирди. Мен ходимларимга Ўзбекистоннинг НАТОдаги миссияси билан ҳамкорликда Сиз ва Ўзбекистон ҳукумати билан муҳокама қилинган масалаларни ўрганиб чиқишни топширдим.

Учрашувимиз чоғида айтиб ўтганимдек, Сизнинг қатъий сиёсий қўллаб-қувватлашингиз туфайли Тошкентда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» ўқув марказининг ташкил этилиши келаси йил мамлакатингизга амалга ошириладиган Шимолий Атлантика Кенгашининг ташрифи билан бир вақтда тўғри келиши мумкин. Шунингдек, Халқаро котибиятнинг экспертлар гуруҳи НАТОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасини очиш масаласини муҳокама қилиш учун кейинги ҳафтalarda Тошкентга келади. Режалаштириш ва муҳокама этиш жараёни хусусидаги ҳамкорлик масаласида, мен, ваъда қилганимдек, мудофаа вазири Қ.Фуломовга алоҳида мактуб йўлладим.

Бўлгуси ҳамкорлигимизга умид қиламан.

Самимият билан,

Жорж Робертсон,
НАТО Бош котиби

2003 йил 6 октябрь

АЛОҚА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

«Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонасида **Транс Осие-Европа оптик-толали алоқа линиясининг бошқарув кўмитаси ўз ишINI бошлади. Унда кўплаб хорижий ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.**

«Ўзбектелеком» акционерлик компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда уч кун давомида Транс Осие-Европа алоқа линиясидан фойдаланувчи мамлакатларнинг тариф сиёсати, чегарадош участкаларда захира қилиб қўйиш ва магистрал ишининг сифатини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Шуни айтиш керакки, мазкур магистрал Козоғистон,

Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон, Туркия, Руминия, Украина, Польша, Венгрия, Австрия ҳамда Германия орқали ўтган ва Франкфурт, Шанхай шаҳарларини боғлаб туради.

Транс Осие-Европа алоқа линияси бошқарув кўмитасининг бу галги йиғилиши алоҳида аҳамиятга эга. Негаки бундан ўн йил аввал, яъни 1993 йилнинг июнида лойиҳанинг иштирокчи-даватлари маъмурияти раҳбарлари вакиллари Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида Транс Осие-Европа алоқа линияси Бошқарув кўмитаси таъсис этилган эди.

Транс Осие-Европа лойиҳасининг асосий миссияси Осие ва Европа минтақаларини му-

вий узунлиги 27 минг километрлик оптик-толали алоқа линияси орқали боғлаш ва овозлар эшитилиши, маълумотлар, видео ҳамда бошқа ахборот турларини узатишда юқори сифатни таъминлаш, шу билан бирга, лойиҳанинг барча иштирокчилари томонидан телекоммуникация хизматларида миллий ва халқаро талабларни қондириш, ушбу давлатларда халқаро трафикни ўтказиш учун телекоммуникация инфратузилмасини ташкил этиш ва замонавийлаштириш, иштирокчи-даватлар ўртасида иқтисодий алоқаларни амалга оширишдан иборат.

(ЎЗА)

МУҲАНДИСЛАР УЧУН СЕМИНАР

Халқаро бизнес-марказда ўзбек-япон инсон ресурсларини ривожлантириш маркази (IJC) ва Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан ташкил этилган «Японияда тизим муҳандислари фаолияти» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда турли вазирликларнинг ахборот технологиялари бўйича мутахассислари, ўқув муассасалари ўқитувчилари, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва ўқув курсларини ташкил этиш билан шуғулланадиган хусусий компаниялар

ходимлари иштирок этиди.

Хорижий мутахассислар ва экспертлар Япониянинг ахборот технологиялари sanoati, унинг самарадорлиги ҳамда тизим муҳандислари фаолияти, уларнинг малакасини ошириш ус-

лублари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Ўтган йили мамлакатимизга JICнинг ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни шакллантириш бўйича миссияси ташриф буорган эди. Ушунда япониялик экспертлар ахборот технологияларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва ўқитиш билан шуғулланувчи кўпгина давлат ташкилотлари, агентликлар ва ўқув муассасаларини кўздан кечирган эди. Улар ўтказган тадқиқот натижасида энди тизим муҳандисларини ўқитишга кўпроқ эътибор қаратишга қарор қилинди.

XVI сағоси

Барча малбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонни имзолади.**

● **Оксаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Ли Чонг-Вукни қабул қилди. Учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги аҳоли муҳокама қилиниб, барча амалга оширилажак лойиҳалар борасида атрофлича фикр алмашилди.**

● **Тошкент архитектура-курулиш институтида мамлакатимиздаги архитектура ёдгорликларини асраш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Япония, Россия, Козоғистон каби мамлакатлардан ҳам мутахассислар иштирок этди.**

● **Республика Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган йиғилиш таълим муассасаларини яқинлашиб келаётган қишки мавсумга тайёрлаш масалаларига бағишланди. Унда жойларда мавсумга тайёргарлик кўришда йўл қўйлаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди.**

Жаҳонда

● **БМТ Бош Ассамблеяси Жазоир, Бенин, Бразилия, Филиппин ва Руминиянинг келаси йилнинг январь ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоллигига сайланишларини маъқуллади.**

● **Рамазон ойи бошланishi муносабати билан АҚШ Президенти Жорж Буш бутун жаҳон мусулмонларига табрик йўллади.**

● **Италияда бош вазир Сильвио Берлусконининг пенсия тизимини ислох қилиш режаларига қарши кенг кўламдаги иш ташлашлар бўлиб ўтмоқда.**

● **Американин Калифорния штатидаги миллий боғнинг улкан ҳудуди кучли ёнғин домида қолди. Унинг бартараф этилишига эсаётган кучли шамол халал бермоқда.**

● **Бундан икки ҳафта муқаддам муваффақиятли операция орқали ажратиб олинган Миср сиём эғизаклари кеча илб бир бир-бирларига қараш имкониятига эга бўдилар.**

Иқтисодий

РАҚОБАТБАРДОШ
ДАСТГОҲЛАР

Бугунги кунда юртимизда мини техникаларга талаб ўсиб бормоқда. Чунки замон талабига кўра ўрта ва кичик бизнес корхоналари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ишбилармон ва тадбиркорларга давлатимиз томонидан қулай шарт-шароитлар ҳамда кенг имкониятлар яратилмоқда.

Пойтахтимизда самарали фаолият юритаётган «ТЭКИК» масъулияти чекланган жамиятининг аҳил жамоаси кўп йиллардан буён хориждан валюта ҳисобига келтирилаётган технологиялар ўрнини босувчи рақобатбардош ускуна ва дастгоҳлардан 20 хилга яқинини ишлаб чиқармоқда.

Корхона малакали ишчи-хизматчиларнинг саъй-ҳаракати билан ички бозоримизни сифатли, чидамли, асосийси нисбатан арзон маҳсулотлар тўлдирмоқда. Мазкур жамият ускуна, дастгоҳларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, фойдаланишда қулай ва оддийлиги билан ажралиб туради.

Жамият аъзолари томонидан ишлаб чиқарилаётган тегирмон (соатига 500 килограмм донни қайта ишлайдиган), кичик тегирмон (соатига 250 килограмм донни янчадиган), гуруччи тозалайдиган, вакуумли макарон маҳсулотлари тайёрлайдиган ускуналарни мамлакатимизнинг барча вилоятларида учратиш мумкин.

Ҳозирги кунда корхона тадбиркорлари Ҳамза туманидаги шохобчада ҳам ишлар қизғин боришини таъминламоқдалар.

ЕНГИЛ ВА ҚУЛАЙ

Кишиларнинг табиати жуда қизик. Масалан, дейлик чиройли пойабзал сотиб олмакчисиз. Аввало, сиз кўча-кўйда одамларнинг оёқ кийимларига диққат-эътиборингизни қаратасиз. Таниш-билишлар билан шу мавзуда суҳбатлашасиз...

Пойтахтимиздаги фаолиятини ўтган йили бошлаган «DELTA UNVEST» Ўзбекистон — Австрия кўшма корхонасида энг замонавий 30 турдан ортиқ пойабзаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхона цехига хорижий машҳур фирмаларнинг технологиялари келтирилиб ўрнатилди ва уларни маҳаллий ёшларимиз бошқармоқдалар.

Ҳозирги кунда кўшма корхона мазкур техникалар кўмагида битта смена давомида 200 минг жуфт сифатли, чиройли, чидамли аёллар пойабзаллари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу пойабзаллар аёлларнинг замонавий, кундалик, мавсумий ҳамда махсус оёқ кийимлари бўлиб, уларнинг ҳаммаси тоза теридан тикилиб, енгил ва қулайлиги билан ажралиб туради.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

«ДЕСК-ИНВЕСТ»:
ИМКОНИЯТЛАР ВА
ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Пойтахт иқтисодийга самарали ҳисса қўшиш мақсадида ташкил қилинган янги «Деск-инвест» кўшма корхонаси ички бозорда ўзининг дастлабки хариддорларига эга бўлмоқда. Австриялик ҳамкорлар иштирокидаги мазкур корхонанинг фаолияти металлчерепица, турли шаклдаги том ёпиш қопламалари ва ашёларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Кейинги йилларда мамлакатимиз қурилиш индустриясида сезиларли ўзгаришлар юзага келганини таъкидлаш жоиз. Бу эса шубҳасиз авваломбор хорижий инвестицияларнинг изчил кириб келиши, замонавий технологик жараёнлар фаоллик билан жорий этилиши билан бевосита боғлиқдир. Бунга тараққий этган технологик ечимлар ва маҳаллий материаллар асосида барпо этилаётган кўркам бино ва иншоотлар яққол мисол бўла олади.

Янги тузилган кўшма корхона маҳсулотлари Ўзбекистон бозоридан янгилик эмас. Том учун мўлжалланган қоплама материалларини ишлаб чиқариш билан бугунги кунда бир нечта маҳаллий корхона шугулланмоқда. Аммо талаб уларнинг имкониятларидан устун бўлиб қолмоқда. Шу ўринда «Деск-инвест» маҳсулотлари жаҳон андозалари бўйича — Финляндияда лойиҳалаштирилган ва йиғилган металлчи турли шаклда кесишга мўлжалланган дастгоҳларда ишлаб чиқарилаётганини қайд этиш ўринли. Демак, ички бозорда янги кўшма корхона учун рақобат масаласида хозирча муаммолар бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, сифати жиҳатидан хориждан келтирилаётган турдош маҳсулотларга тенг бўла оладиган «Деск-инвест» ишлаб чиқараётган металлчерепицаларининг таннари ҳам икки баравар арзон. Экспорт масаласига келсак, кўшни давлатлар билан ҳамкорлик борасида дастлабки ке-

лишувлар имзоланган. Афғонистон, Бирлашган Араб Амирликлари бозорига кириб бориш режалаштирилган. Кўшма корхонанинг австриялик таъсисчиси, «Вега-маркетинг» компанияси президенти Карл Шмидтнинг таъкидлашича, бу борада Россиянинг айрим минтақалари бозорларида ҳам Ўзбекистон маҳсулотлари ўз харидорига эга бўлиши мумкин. Гап шундаки, асосий хом ашё — цинк ишлови берилган тунука Новоліпецк металлургия комбинатидан харид қилинади. Тошкентда ташкил қилинган кўшма корхона мазкур ишлаб чиқариш корхонаси раҳбариятида шунчаки хом ашёни импорт қилиш бўйича янги имконият очилгани билан қизиқиш уйғотибгина қолмай, балки улар кейинчалик «Деск-инвест»нинг тайёр маҳсулотларини ҳам харид қилиш истагини билдиришган.


— Албатта, бозор иқтисодийга ўтиш даврида Шмидт каби узоқни кўзлаб иш тутадиган шериклар жуда керак, — дейди кўшма корхона бош директори Анвар Раҳмонов. — Австриялик ҳамкоримиз Ўзбекистонда 1996 йилдан бери фаолият юритади ва бугунги кунга келиб «Деск-инвест» унинг тўртинчи сармоя киритган корхонаси ҳисобланади. Корхонамиз Низом жамғармаси шунингдек Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Осиё-гранит» ва «Қурилиш-бутлашхизмати» масъулияти чекланган ишлаб чиқариш



олган ҳолда корхонада дастлаб 10 нафар киши учун иш ўринлари ташкил қилинган. Келажакда, маҳсулотлар турлари кўпайтирилиши билан, бу йўналишда «Деск-инвест»нинг имкониятлари икки марта кенгайиши кўзда тутилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, республика инвестицион дастурига мувофиқ кўшма корхонага хом ашё харид қилиш учун «Асака» банкнинг 3 миллион АҚШ долларига тенг кредитлари ажратилган.

«Деск-инвест» хорижий инвестициялар иштирокидаги жорий йилда фойдаланишга топширилган 98-корхона ҳисобланади. Кейинги пайтда бундай корхоналар ҳисобига ўз вақтида хориждан келтирилган 400 га яқин турли товарларнинг маҳаллий тарзда ишлаб чиқарилиши изчил йўлга қўйилди. Янги кўшма корхонанинг маҳсулотлари юқори сифатли бўлиши билан бирга шунингдек экологик тоза, тежамкор ва эстетик жиҳатдан жуда бежирим кўринишга эга. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари томонидан бундай қурилиш материалларидан кенг тарзда фойдаланиш ва айниқса магистрал кўчалар атрофида барпо этилаётган объектлар, хусусан, уй-жойлар томларида ишлатилиши юзасидан билдирилган тақдир бежиз эмас. Металлчерепицалардан қопланган бино ва иншоотларнинг том қисми пойтахтимиз кўрқига ўзига хос меъморий дизайн бахш этаётганини инкор қилиб бўлмайди. Албатта, бу борада бошқа корхоналар қаторида «Деск-инвест»нинг фаолияти ҳам самарали ва салмоқли бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.
СУРАТЛАРДА: янги кўшма корхона фаолияти ва маҳсулотларидан лавҳалар акс этган.



Москвада Жаҳон сартарошлари ассоциацияси ва шаҳсан унинг президенти Пьер Сосари ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари ассоциацияси президенти Долорес Кандрашова ҳомийлигида халқаро сартарошлар мусобақаси бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА
СОВРИНДОРЛАРИ

Унда Германия, Россия, Франция, Япония ва бошқа мамлакатларнинг етакчи усталари маҳорат бобида куч синашдилар.

Эътиборли томони шундаки, анжуманнинг ҳакамлар ҳайъати таркибида машҳур ўзбек устаси, кўплаб халқаро мусобақалар совриндори — муамортимиз Эргаш Тошметов ҳам бор эди.

Мусобақада қатнашган ўзбек устаси Людмила Очилова бошчилигидаги Ўзбекистон сартарошлар командаси яхши натижаларни кўрсатди. Хусусан, 3-шарафли ўринни мамлакатимиз вакили Регина Степанова кўлга киритишга

муваффақ бўлди, 4-ўрин эса бошқа ҳамюртимиз Ирина Свешниковага насиб этди. Махсус хайрихолик соврини ҳам мамлакатимизнинг яна бир вакили, мусобақанинг энг ёш иштирокчиси 16 ёшли Дилшод Тошметовга топширилди.

Яқин келажакда юртдошларимизни бошқа халқаро мусобақа ва кўриқлар кутмоқда. Хусусан, ноябрь ойида ўзбекистонлик сартарошлар Халқаро Америка кубоги кўриғида иштирок этадилар.

Музаффар ЗОХИДОВ,
«Жаҳон» АА,
Москва

АНЖУМАНЛАР

«ИННОВАЦИЯ—2003»

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида «Иновация—2003» халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман доирасида «Ёшлар муаммолари ва таълим», «Иқтисодий йўналишдаги тармоқларда инновацион технологик жараёнлар», «Табиий, минерал хом ашё ва ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишнинг инновацион технологиялари ва методлари», «Кон иши ва металлургия», «Автоматик ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари», «Математика, математик моделлаштириш», «Информацион технологиялар», «Сув. Чўл. Экология» каби йўналишлар бўйича 180 дан ортиқ маъруза ва илмий ишлар тингланди. Англия, Германия, Франция, Россия, Қозғистон, Малайзия давлатлари вакилларининг долзарб мавзудаги илмий маърузалари ҳам тақ-

дим этилди. Анжуман материалларининг «Илмий маҳолалар тўплами» сифатида нашр этилганлиги турли фан олимларининг ўзаро, шунингдек амалиётчилар билан фикр алмашиш имкониятини янада кенгайттирди. Анжуманда бакалавр, магистр ва аспирантларнинг ҳам иштирок этганлиги илмий ишларнинг давомийлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, илмий ишларни чоп этиш ва анжуманни ташкил этишда ҳомийларнинг кўмаги таъкидланди.

Навбатдаги «Иновациялар ва инновацион технологиялар—2004» мавзудаги халқаро илмий-амалий конференцияни 2004 йил октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди. Унда қўриладиган илмий муаммолар рўйхати анжуман қатнашчиларига тарқатилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Санъат БОЛАЛАР КУЙЛАГАНДА

Куй, кўшиқ инсон ҳаётининг нурли бўлагидир. Унинг майин навоси, шўх садоси доимо одамларни сеҳрлаб сармаст этиб келган.

Куни кеча Ўзбекистон Бадий академиясининг Республика рассомлар коллежида болалар мусикаси концерти бўлиб ўтди. Шаҳар кўшимча таълим мажмуаси қошидаги «Севинч» вокаль гуруҳи аъзолари томонидан ташкил этилган концертда янграган «Ўлкам тонги», «Тошкентим», «Ажойиб туш», «Шодиёна», «Лола», «Ватан» каби кўшиқлар ва ранг-баранг шўх рақслар кечага янада жозоба бахш этди.

— Бу концерт дастуримиз Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб «Давр садолари» фестивали муносабати билан ўтказилаётган энг катта концертларимиздан биридир. — Гуруҳимиз аъзолари концертга алоҳида тайёргарлик қўришди. Бизнинг болаларимиз ижро этган кўшиқларга асосан ёш, иктидорли бастакор Хуршида Назарова куй басталаб, жажжи ижрочиларга яқиндан ёрдам берди, — дейди «Севинч» вокаль гуруҳининг бадий раҳбари Саодат Музаффарова.

Болалар мусикаси концерти барча томошабинлар қалбига бир олам қувонч улашди.

КОНЦЕРТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Давлат консерваториясида консерватория қошида ташкил этилган «Ёшлар мусикали театри оркестри» ижросида катта концерт бўлиб ўтди.

Концертни оркестр бадий раҳбари ва бош дирижёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ботир Расулов, «Ўзбекистон» хор капелласи, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаровлар ҳамкорликда уюштирилди.

Кечада бастакорлар Ҳабибулла Раҳимовнинг «Кутлов», Рустам Абдуллаевнинг «Роталла», Икром Акбаровнинг «Нақшбанд» ораториясидан куйлар ва кўшиқлар ижро этилди.

Гулчехра
ДУРДИЕВА

Сўнгги йилларда ушбу префектурада — Ўзбек киноси кунлари, Ўзбекистон рассомлари кўргазмаси, юртимизнинг кўна тарихига бағишланган ўқув-семинар, кулолчилик ва тўқимачилик кўргазмалари ўтказилиб, кўпчилигининг эътиборини жалб этди.

Навбатдаги кўргазмада тақдим этилган Марғилон атласлари, Самарқанд ва Бухоро сўзаналари, камалак ранг духобалар ҳамда Риштон кулолчилиги намуналари киши кўзини қамаштиради. Хусусан, кўна ўзбек тўқимачилигининг бой аъналарини асосида қайта яратилган пахта ва ипак матолари ҳар бир томошабинда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган ушбу тадбир доирасида таниқли ўзбек рассоми

Юртнинг осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги мард йигитлар зиммасида. Жасур, танти, ватанпарвар йигитлар тинчлик таянчи, эл суянчи. Қадамларидан ўт чакнаган, Ватан ҳимоячиси бўлишга бел боғлаб хизмат сафарига отланган йигитларни кўрганда беихтиёр хаёлингдан ана шундай ўй-фикрлар ўтиши табиий.

• МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

Куни кеча шаҳримиз туманларидан Куролли Кучларимиз сафларига хизматга чақирилган ўғлонларимизни тантанали кузатув маросими бўлиб ўтди.

Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли номга лойиқ топилган, озодлик осмонини бедор қўриқлаб, мустақил Ўзбекистон ва Президентига содиқ бўлишга аҳд қилган йигитларни ҳарбий оркестр садолари остида Чилонзор ва Ҳамза тумани мудофаа ишлари бўлимлари, туманлар ҳокимликлари мутасаддилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-аналари, дўсту биродарлари оқ йўл тилаб, дил сўзлари билан кузатиб қолдилар.

— Азиз ўғлонлар, сафарингиз бехатар бўлсин, — деди жумладан тадбирда сўз олган Ҳамза тумани ҳоким ўринбосари, туман қақирув комиссиясининг раиси Шавкат Жавлонов. — Элу юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизматга борар экансиз буюк боболаримиз Жалолдин Мангубердиннинг асрларга татигулик жасорати, Темур Маликнинг қудрати, Соҳибқирон Амир Темур шавкати сизларга ёр бўлсин. Ота-онангиз, устозларингиз сабоғини, тарбиясини оқлаб, ёруғ юз билан бағримизга қайтинг.

Оналар кўзларида севинч ёшлари, оталар қалбида эса гурур, ҳаяжон. Фарзанди эр этиб, юрти қорига ярайдиган мардлар қаторидан ўрин олганда қайси ота-она севинмайди, юраги ҳаяжонга тўлмайди дейсиз. Ўзларини катталардек тутиб, ота-она, ака-опалари билан дилдан сўхбатлашаётган йигитлар даврасига қўшилди.

Ильдар ОХУНОВ:

— Мен бугун жуда ҳаяжонданман. Ватан тинчлиги, юрт осойишталиги йўлида бор билмиш, куч-гайратимни сарфлаб, хизмат қилишга тайёрман. Бизнес-мактабни аъло баҳоларга тамомладим. Авточилангарлик касбини эгалладим. Оилада учинчи ўғилман. Онажоним Нағида Охунваннинг берган тарбияларини албатта оқлайман.

Равшан АСЛАНОВ:

— Мен хизматга ўз хоҳишим билан кетяйман. Юнусобод туманидаги 247-мак-

КЎРГАЗМАДА САНЪАТ АСАРЛАРИ

Япония марказидаги Гунма префектурасида Марказий Евроосиё клуби, Ўзбекистон Бадий Академияси ва мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси ҳамкорлигида ўзбек халқ амалий санъати кўргазмаси уюштирилди.

Т.Кўзиевнинг фотоқўргазмаси ҳам намойиш этилди. Лавҳаларда акс эттирилган асрий аъналаримиз, оддий устачиликни катта санъат даражасига кўтарган уста боболар ҳамда қўли гул момолар образлари япония

ялик томошабинларни бефарқ қолдирмади. Марказий Евроосиё клубининг аъзоси Акико Кожима хоним бу борадаги ўз фикрини қуйидагича ифодалайди:

— Шаҳсан менда Ўзбекистонга бориш имконияти бўлмаган бўлсада, мамлакатингиз ҳақида жуда кенг маълумотга эгаман. Хусусан, ўзига хос маданият ва бой тарихга эга юртингиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси ривожига салмоқли улуш қўшганини жуда яхши биламан.

Яқин келажақда айнан ушбу кўргазма экспонатлари билан Япониянинг бошқа йирик шаҳарлари — Токио, Осака, Киото ва Нара аҳолисини ҳам таништириш режалаштирилган.

Дастур ва ижро

НОҚОНУНИЙ МАҲСУЛОТЛАРГА — МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ

Сифатсиз ва контрабанда йўли билан товарларнинг олиб келинишига қарши кураш бўйича қўйилган вазифаларни Давлат божхона қўмитаси томонидан ижтимоий соҳа ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бажарилиши режалаштирилган. Ана шу масала юзасидан тасдиқланган тадбирлар Дастурини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент шаҳар прокуратураси, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан ўзаро ҳамкорликда шахримиз маҳаллаларида қатор тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Режа асосида ўтказилаётган учрашувларнинг навбатдагиси Шайхонтохур туманидаги «Янги Камолон» маҳалласида бўлиб ўтди. Унда Шайхонтохур туманидаги барча маҳаллалар оқсоқоллари, посбонлар сардорлари, фаоллар ва маҳаллалар вакиллари қатнашди.

Тадбирни Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда шахримиз маҳаллаларига ноқонуний айланма йўллар билан кириб келаётган сифатсиз маҳсулотлар, айниқса турли дори-дармонларнинг инсон саломатлиги учун нечоғлик хавф солаётгани, келажақ авлод учун ҳаммамиз масъулигимиз ҳамда қонунга қилоф йўллар билан товарлар кириб келишининг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот идоралари, божхона ва солиқ хизматларига кенг жамоатчилик яқиндан ёрдам бериши кераклиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Сўнг божхона ва солиқ хизматлари ходимлари томонидан тайёрланган шу мавзуга оид видеоматериаллар кўрилиб, ушбу хизмат вакиллари билан изох тингланди.

Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар прокуратураси, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси, Тошкент шаҳар Давлат Солиқ бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарлари масаланинг мазмун-моҳияти, олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот бердилар.

Тадбир савол-жавоб ва мунозараларга бой тарзда ўтди.

(Ўз мухбиримиз)



• МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

табни тугаллаганман. Йигитларга хос бўлган мардлик, шижоат, жасурилик каби фазилатлардан дарс олмакчиман. Хизматни аъло даражада ўтаб ҳақиқий йигит бўлиб қайтаман.

Ха, кўзларида, сўзларида минг бир ҳаяжон билан сафар халталарини елкага олиб укаларига яхши ўқиб, ота-аналарига кўмакчи бўлишни тайинлаётган йигитларнинг хизмати аъло даражада ўташларига шубҳа қилмайсан, киши.

Фарзандига оқ йўл тилаб сафарга кузатаётган ота-аналарнинг дил сўзлари эса янада фахри, янада гуруридир.

Фотима ая МИРҲАБИБОВА:

— Ўғлим Шухратжон оиламизнинг энг кенжтойи. Шу кунгача «Ватанпарвар»да ўқиб алоқачи касбини эгаллади. Ҳарбий бўламан деб аҳд қилган. Жуда интизомли, тартибни ёқтиради, ишонаманки, тинч ҳаётимиз, мусоффо осмонимизнинг муносиб қўриқчиси бўлади.

Шоқбар ота НОСИРОВ:

— Мен набирам Беҳзодни кузатгани чиқдим. Барча хизматга отланган ўғлонларимга тилагим битта: халқимизнинг ишончли таянчи ва суянчи, фахри, ифтихори бўлинг. Куролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш мард йигитларга ярашади. Ёй бориб омон қайтинг, илоҳим юртимизнинг тинчлиги, осойишталигини яратганнинг ўзи — Аллоҳ таоло ҳамиша асрасин.

Кузатув маросимининг яна бир ибратли томони шунда бўлдики, хизматга отланган ҳар бир йигитга Ҳамза тумани ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимларининг эсдалик совгалари — хизматда биринчи навбатда керак бўладиган буюмлар берилди. Туман маданият ўйи ва хаваскорлик жамоалари иштирокида катта концерт томошалари тайёрланиб, кўнгуллар кўтарилиб, барчага хуш кайфият улашилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: кузатув маросимидан лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

МУШОҲАДА

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Инсон ер юзидаги энг улуг неъматдир. У заидаги барча имкониятларини авлодларимиз фаровонлиги йўлида сафарбар этмоғи керак. Зеро, ҳайвонот ва ўсимликлар, ер ва сувни, она-табиатни муҳофаза қилиш ва ундан режални фойдаланиш шу ватан фарзандиман деган фуқароларнинг муқаддас бурчидир.

Саноат корхоналари, асфальт-бетон, коммунал, маиший хизмат корхоналари, курилиш ташкилотлари чиқиндилари атмосфера хавосига энг кўп зарар қилгучи вақтлардир. Бозор иқтисодиёти шароитида кўпласи кичик, қўшма, хусусий корхоналар ташкил этилмоқда ва улар ўз фаолияти ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланган сувларни қайта тозалашни йўлга қўймайдилар, атмосфера хавосини захарли чиқиндилар билан ифлослантиряптилар.

Маълумки, ҳозирги даврда ижтимоий тараққиётни техник воситаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон яратаетган ёдгорликлар қандай бебаҳо бўлса, табиатни яратаетган ҳар бир жондор ҳам баҳосиздир. Табиатга эҳтиёткорона муносабат бўлиш, унинг қонунарига амал қилиш, яъни экологик жиҳатдан саводхон, маданиятли бўлиш ҳар биримиз учун катта аҳамиятга эга. Фан-техника тараққиёти табиат билан жамият ўртасидаги зиддиятни янада кучайтирди. Турли хил ёнилги манбалари ҳисобига очиқ ҳавога турли хилдаги газ ва тугун-

си ходимлари зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Бу борада айниқса, шаҳарда атмосфера хавоси ифлосланишининг олдини олишда «Тоза ҳаво» тадбирининг бир йилда икки мартаба — баҳор ва куз мавсумида икки ой давомида пухта режа асосида ўтказилиши ижобий натижалар бермоқда. Мазкур тадбирлар самараси атрофлиқа таҳлил қилиниб борилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунлариға зид иш тутаетган автотранспорт корхоналарининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар кўрилади, автомобилларни таъмирлаш устандалари, ёнилги қуйиш корхоналари фаолияти қаттиқ назорат қилиб борилади.

Албатта, шаҳарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш ва унинг олдини олиш чораларини кўриш билан боғлиқ бўлган тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари аҳолининг ҳар томонлама экологик савиясининг ошишиға самарали таъсир кўрсатаёпти. Шу боисдан ҳозирги кунға келиб аҳолининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қабул қилинган қонунларға муносабати тубдан ўзгармоқда.

Ҳар бир фуқаро ўз виждонини, узининг қалб амри билан ўз фуқаролик бурчини астойдил бажариш шохримизни озода, кўркам, экологик жиҳатдан тоза масканға айлантиришда иштирок этса нур устиға нур бўлади.

Максуд ОРИПОВ

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор

«Оқ олтин»дан тоғ яратаетган пахтакорнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилган. Дам ганимат, ифтихоримиз — пахтакорнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай териб олиш хисси унга туну-кун уйку бермайди. Уста миришкорлар билан қўлни-қўлга бериб, далаларда жавлон ураётган ёрдамчилар ғиммати-ни айтмайсизми? Бугун улар ҳам ғайрат камарини белларига маҳкам боғлашиб, дала гвардиячилари билан бир сафда туриб жавлон урмоқдалар. Гўё, оппоқ қор билан қопланган пахтазорда «Зангор кема»лар овози бир зум тинмайди. Кенг пайкаллар одамлар билан жангум, бугун пахтазор жадал меҳнат майдони айланган. Зеро, октябр ойи охирига ўз ўрнини ноябрга буюштиб берапти.

Ноябрда турли ҳашаротлар ҳам ўз «уйларига» равона бўлишади. Теварақ атрофда баъзи қушлариниға кўришингиз мумкин бўлади. Жумладан, қарға, зарға ва чумчуқлар овқат излаб юришади. Воҳаларға савья ва сўфитурғайлар энг учиб келадилар. Ой ўрталарида республикамиз тоғлари оппоқ қор билан қопланади. Ўзбекистон жанубидаги тоғларда яшовчи қакликлар озуқа кидириб водийларға учиб келадилар.

Сувда сузайдиган айрим қушлар илик сувли қўлларда қишлаб қолишади. Улкамизда шундай қўллар ва сув омборлари борки, улар иликлиги жиҳатидан субтропик мамлакатлардаги сувлардан қолишмайди.

Масалан, шаҳар марказидан ўтган Анхор сувини олиб кўрайлик. Унинг суви ноябр-декабрь ойларидан бошлаб илик бошайди. Қаҳратон қишда бу сувнинг иссиқлик ҳарорати ўн дараждан ортдиқ бўлади. Атроф муз ва қорликлар билан қопланганда Анхор сувидан иссиқ ҳароратли буғ кўтарилиб туради.

Бу ойнинг гўзал фазилатларидан яна бири шуки, бу даврда қузғи қўчат ўтказиш қизгин паллага киреди. Шаҳримиз хиёбон ва боғлари, катта йўл чеккалари экилган ва нихоллар борада яшил барг чиқариб, гўзал Тошкентимиз хуснига хусн қўшади.

Бу ойнинг гўзал фазилатларидан яна бири шуки, бу даврда қузғи қўчат ўтказиш қизгин паллага киреди. Шаҳримиз хиёбон ва боғлари, катта йўл чеккалари экилган ва нихоллар борада яшил барг чиқариб, гўзал Тошкентимиз хуснига хусн қўшади.

ОЛТИН КУЗНИНГ ОЛТИН ДАМЛАРИ

Олтин қузимизнинг саховати билан олтин ағ тарати. Бу даврда боғлардаги мевалар фарқ пишади. Узумзори-олмазорлардан анвойи хид таралади. Далаларда ҳаёт қайнайди. Бободехқоннинг қўли-қўлиға тегмайди. Етиштирилган мўл мева ва сабзавотлар ҳосилни қишли-қировли қунларға қолдирмай йиғиб-териш иштиёқи билан ёнади.

Бу ойнинг гўзал фазилатларидан яна бири шуки, бу даврда қузғи қўчат ўтказиш қизгин паллага киреди. Шаҳримиз хиёбон ва боғлари, катта йўл чеккалари экилган ва нихоллар борада яшил барг чиқариб, гўзал Тошкентимиз хуснига хусн қўшади.



№10 (139) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Сув — ҳаёт демасдир. Сув сайёрамизда энг кўп тарқалган модда бўлиб, у асосан океанлар, денгизлар, дарёлар, музликларда йинилган. Бундан ташқари, ер пўстсида ҳам анчагина сув ер ости қўлларида, жанисларда шимилган ҳолда сақланади ва ҳаво атмосферасида учрайди.

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Дунё океанлари сайёрамиздаги барча сувларнинг асосий қисмини ташкил этиб, унгаги сувнинг ҳажми 1 миллиард 386 миллион куб километрга тенг. Бу шумчалик йирик сонки, агар одам, иш соатлари давомида рақамлаб санаса, унга 100 йиллик мудат керак бўлар эди. Агар океанлардаги сувларни Ер шарига бир текис қилиб ёйса, унда икки ярим километрлик сув қатлами ҳосил бўларди.

Иккинчи ўринда ер ости сувлари туради. Ер ости сувларининг ҳисобга олиш анча қийин бўлиб, улар таҳминан 23,4 миллион куб километрни ташкил этади. Аслида ер ости сувлари биз уйлағандан ҳам кўп экан. Гидрогеолог А.Ларионовнинг берган маълумотиға, ер ости сувлари захираси океан ва денгиздаги нисбатан бор-йўғи 70 миллион куб километрга кам бўлиб, 1370 миллион куб километрни ташкил этади. Бу қадар улкан сув захирасидан қишлоқ хўжалигида кенг миқёсда фойдаланилгачи ва унинг янги манбалари топилапти.

Чучук сувларининг яна бир макони — музликлардир. Улар асосан Антарктида ва Арктикада ҳамда тоғлардаги музликлар бўлиб, уларда 24 миллион куб километр сув яхлаган ҳолда сақланади. Ватанимизда бу муз захиралари 14395 куб километрга тенг. Ўзбекистонимизда музликлар умумий майдонининг атиги 4 фоизини эгаллайди.

Табиатдаги барча сув турларини ёсангиз, унинг таърифи жула қўп. Энг қизғини шундаки, табиатда қимёвий жиҳатдан тоза сув топилмасдан, сувларға асосан қўпгина қимёвий элементлар эриган ҳолда аралашган бўлади. Шу сабабли ҳамма ердаги сувнинг ўзига ҳос мазаси бўлиб, бир-бирини ўхшамайди. Тайёрланаётган овқатларнинг тоғли бўлишида қандай сувда тайёрланиши асосий омиллардан биридир.

Серкуёнш ўлкамиз ақли сувнинг қадриға етади. Тошкентнинг ўндаб анҳор ва ариқларидан зиллол сувлар оқади. Фаввораларда, булоқ ва чашмаларда оби-ҳаёт қайнайди. Миришкор деҳқонларимизнинг тоғли жойларда сувни ариқлардан моҳирона оқизишини кўриб, уларнинг ўз ишининг устаси эканиға таҳсин қўйимиз.

Республика ҳукуматининг табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишға қаратилган қарорларини бажаришда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бир мунча хайрли ишлар амалға оширилмоқда. Жумладан, «Обод маҳалла йили» муносабати билан маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда шахримиз маҳаллалари ўртасида энг озода ва обод маҳалла кўрик-танлови ўтказилганлигини қайд этиш мумкин. Ушбу кўрик-танловнинг финал босқичи шахримизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди. Фолиблар эса қимматбаҳо ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

КАМЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК

Қилинаётган яхши ишлар билан биргаликда пойтахтимиз худудидидаги баъзи маҳаллаларда экологик ахвол талаблар даражасида эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, баъзи турар жой даҳалари, айрим ташкилотлар, туман қўча ва маҳаллаларини айланганинингизда у ёки бу ерда ўз вақтида олиб чиқиб кетилмаган чиқиндилар, шох-шаббаларни кўриб таъбинга кўриб хира бўлади. Баъзан эса дарахтларнинг рухсатсиз қилинаётган яхши ишлар билан биргаликда пойтахтимиз худудидидаги баъзи маҳаллаларда экологик ахвол талаблар даражасида эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Юқорида келтирилган камчиликларни бартўриш қилиш учун жойлашган маҳалла қўмиталари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз худудларида табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларига риоя қилишлари ва ободонлаштириш ишларининг қай даражада бораётганлигини мунтазам кузатиб боришлари лозим бўлади.

Шахло АБДУЖАЛИЛОВА, қўмита нозира.

ТЕКШИРУВЛАР

● Нозирлар Бектемир туманидаги «Қўйлик-Автогаз» масъулияти чекланган жамиятида бўлганларида бу ерда рухсат этилмаган жойға мой тўкилганлигининг гувоҳи бўлишди. Бундай ҳолға йўл қўйган корхона устаси Б.Адоханов ҳисобиға 16320 сўм миқдорда жарима ёддилар.

● Миробод туманидаги «PLANETA OSIYO» корхонаси раҳбари ўринбосари Р.Мамлаеви ҳам 11 минг сўмлик жарима тўлашға мажбур бўлди. У корхонада иш юритиш учун табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан экологик экспертиза ҳулосасини олмаган.

● Чилонзор туманидаги «Халклар Дўстлиги» маҳалласида рухсатсиз дарахт кесилганлиги ҳолати аниқланди. Бундай ўзбошимчалликға йўл қўйган маҳалла фуқароси М.Ғаниев ўз ҳамёнида 5440 сўм жарима тўлади.

ЭКОЛОГИЯ КUNДАЛИГИ

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлар тез-тез жойларда бўлиш, у ерда юз бераётган камчиликлар ва нуқсонларни аниқлашади. Айбдорларға тегишли миқдорда жарималар солишади. Қуйида ана шундай жаримага тортилган корхона раҳбарларидан баъзилари эътиборингизға ҳавола этилмоқда.

Бу ерда ишдан чиққан яроқсиз люминесцент лампалар ўз вақтида зарарсизланторманганлиги аниқланди. Айбдор А.Суриков 6 минг сўмлик жаримаға тортилди.

корхонаси директори З.Нормуродов рухсатсиз дарахт кестирганлиги учун 16 минг 600 сўм миқдоридида жарима тўлади.

● Нозирлар Акмал Иқромов туманидаги «Омад-асри» масъулияти чекланган жамиятида давлат экологик экспертизаси ҳулосаси олинмаганлигини аниқлашди ва унинг раҳбари Б.Мухаммадқонов ҳисобиға 6 минг сўм жарима ёзишди.

● Бектемир туманидаги «ТТМЗ» корхонаси цех бошлиғи А.Бахтиёров сувдан ҳўжа-сизларча фойдаланишға йўл қўйганлиги учун 10 минг сўм миқдоридида жарима тўлади.

Манҳашлар БОДОМНИНГ ХОСИЯТИ

Бодом эрамиздан 400 йил муқаддам Фарбий Осиё ва Юнон-онда лоззатли ва тўйимли озиқ сифатида экилган. Сўнгра Ер денгизи бўйлаб тарқалди. Айни пайтда у Европа, Осиё, Африка мамлакатларида экилади. Айниқса Испания, Италия, Грекия, Фаластин ва Мароқашда кўп етиштирилмоқда. Эрон ва Афғонистоннинг айрим худудларида бодом маҳаллий аҳолининг асосий озиғи ҳисобланади. Бизда эса у дастурхонимиз кўрки-

Бодом мағзи ўзининг озиқликлик ва бошқа хусусиятлари билан қандолатчиликда, упа-элик тайёрлашда, ҳалқ табиоботида жула қадрланади. Мағзининг таркибида 70 фоизға яқин ёғ, 10 фоиз қанд, 34 фоиз оқсил, 4 фоиз пентозан, гликозид, амигдалин ҳамда фермент бор. Аччиқ бодомда эса амигдалин, гликозидлар, глюкоза ва сахароза мавжуд. Бодом қадим замонлардан бўён ҳалқ табиоботида турли хасталиқларға даво сифатида ишлатилиб келинмоқда. Шарқ олимларининг шайх ур-раиси Абу Али ибн Сино бодом борасида қуйидагича ёзган: «Аччиқ бодом озиқ эмас, фақат доридир. Ширин бодом эса озиқлантиради, у яхши озиқдир. Бодом ёғи бодомнинг ўзига қараганда энглироқ бўлади. Аччиқ бодом сепкил, нуқтали қонталаш излар ва офтобдан қорайишға қарши қўлланилади, илдизи қайнатилса, сепкилға қарши кучатилади. Ширин бодом ейилса семиртиради ва кўриш қувватини оширади. Кутурган ит қонганда фойда қилади...»

Бодом билан асал аралашмасини яралар ва учуққа, сирка билан шароб аралашмасини эса темирўткиға суртадилар. У кулоқ оғриши ва гувиллашда наф беради. Дарахтнинг илдизини тўйиб, сирка ёки гул ёғи билан қўшиб пешонаға боғланса бош оғриғиға даво бўлади. Аччиқ бодом қарамади билан бириг қўшиб ишлатилганда қон тўфлашға, қўзма йўтал, астмаға яхши наф келтиради.

Шу ўринда бир воқеани келтираимиз: ...1945 йилнинг қиши айниқса қаттиқ келди. Сувқудан қўйқўтал авж олган. Заркент қишлоғидида бир табибға бордик. Табиб томиримни ушлаб туриб, юзимға узок тўқмачча, «Шамоллашни ўтказиб юборибсиз-ку, бўтам» деди. Кейин «Бир ховчу бодомни тўйиб, уни кумғонда қайнатасиз, сўнгра совутиб кичик пиёлага қуясиз ва бир қошиқ хом сут қўшғач, ўнгрин холда устингизға кўрпа ёйиб, тайёр қайнатгани ичасиз. Шунда баданларингиз қомшаб, игна сангандай бўлади, терлайсиз. Тер қуригунча сабр-тоқат қилиш даркор» деб маслаҳат берди. Уйға келиб берилган тавсия асосида бодомдори тайёрлаб ичдим. Натихада бир йил давомида йўтал тўфайли чеккан азоблардан фориг бўлдим.

ҚАТЎЙ НАЗОРАТ ЎРНАТИЛГАН

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси эса атроф-муҳитни соғломлаштиришға қаратилган юқоридидаги тадбирларни изчил амалға ошириш, давлатимизнинг шу масалалар буйича чиқарган қарорлари ва кўрсатмаларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатган. Қўмита назоратчилари атмосфера хавосини муҳофаза қилиш, сув манбаининг тозаллиғи буйича йил давомида қатор текширувлар ўтказадилар. Бундай текширувларда нозирлар корхоналар фаолиятидаги яхши ишлар билан бир қаторда айрим муаммоларға ҳам дўч келишади. Хусусан, Бектемир туманидаги «ТТМЗ» ОАЖ корхонасида табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, прокуратура ҳодимлари билан ҳамкорликда комплекс текширув амалға оширилганлигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ушбу корхона металл конструкциялари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, унда ишловчилар сони 38 кишини ташкил этади. Корхона сувни шартнома буйича артезиан қудуғидан олади. Сув қувурига 50 миллиметр диаметри сув ўлчағич ўрнатилган. Олинадиган сув

ҳўжаликда ва қўкаламзорлаштириш ишлари учун ишлатилади. Корхона қисман каналлаштирилган. Канализацияға оқова сувларни ташлаш учун «Сувсоз» трести билан 2003 йил учун шартнома имзоланган.

Корхонада зарарли моддалар меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилган ва уларни атмосфераға чиқариш ташлаш учун табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан меъёрий ҳужжатнома олинган. Шу ҳужжатға асосан корхонада зарарли моддалар тўққиз жойдан атмосфераға чиқариб ташланади. Текширув жараёнида яна қуйидагилар аниқланди. Бош бинодаги цехға ўрнатилган сув қувуридида жўмрак ишламай қолган. Натихада тоза сув беҳудаға оқиб ётибди. Корхона худудидидаги чиқиндилар утиллаштирилмаган ва тўкилган ҳазонлар билан жойға тўпаниб ёқилмоқда.

Корхона раҳбарлари камчиликлардан тегишли ҳулоса чиқариб бундан кейин ўз худудларида табиат муҳофазаси ишиға жиддий ёндошадилар, деб умид билдираимиз.



ТАЛАБ БАРЧАГА БИРДЕК

Бутун инсоният ва бошқа барча йирик мавжудотнинг ҳаёт манбаи бўлган атмосфера хавосини асосан икки манба-табий омиллар ва инсон фаолиятининг махсули — антропоген манбалар ифлослантириди.

Чилонзор туманидаги «Тошкент-Занжир» қўшма корхонаси, «Легион-техносервис» МЧЖ текширилганда ишлатилган қундузғи ёритиқ лампалар утиллаштирилмаганлиги аниқланди. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 23 октябрдаги 405-сонли қарорининг бажарилмаганлигини билдиради. Бунинг учун корхона раҳбарларига маъмурий жазо қўлланилди.

Антропоген ифлосланиш асосан саноат корхоналари, автомобиль транспортлари чиқинди ва ажратмалари, шунингдек турли ёқилғилар ишлатилиши натижасида пайдо бўладиган зарарли моддаларнинг атмосфера хавосига чиқарилиши оқибатида ҳосил бўлади.

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг томида эса очик ҳолда битум ёқилганлиги аниқланди. Курилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёқилган моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасиз очик ҳолда аланга олдириш уларни ёқиб, битум эритишда атмосфера хавосини муҳофаза қилиш талабларига барчамиз бирдек риоя қилишимиз керак.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси ва «Давлат экологик экспертиза»си Қонунининг 24-25-моддаларида таъйинланганидек, корхоналар, ишоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиқалаш, қуриш, таъмирлаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш, шунингдек уларни тугатиш чоғида экология хавфсизлиғи талабларини бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари Чилонзор туманидаги «Агата» МЧЖ, «Дельфор-сервис» хўшхушиши унутмаслигимиз керак. М.УМАРОВА, давлат нозира.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
Домо бўлар...

● Илмнинг ибтидоси — ақл, ақлнинг ибтидоси — сабр-тоқат.
● Фақат билмоқлик учун эмас, балки бирор ишни эллай билиш учун ҳам билмоқ зарур.
● Биттагина хайрли иш бир олам илмдан афзал.

Агар сиз билимдон бўлсангиз, ўзгаларга ҳам уни ўргатинг. Сиздаги нурдан улар ҳам ўз шамчирокларини ёндириб олишсин.

Ривоят: Эронда бир подшоҳ бўлиб, унинг шундай оdatи бор экан. У жанг қилганда, яхши ташкил этилган ва яхши таъминланган қора либосли алоҳида бир қисм сипоҳийлари бўлар экан. Жанг қизган пайтда ўша сипоҳийларига олдинга чиқиб, жанг қилишни буюрар экан. Шундай бўлибдики, ёғи томондан 50 мингга яқин катта қўшин келиб, уруш хавфи туғилибди.

Подшоҳ ўз дилига хуш келган хос одамлар билан марғур ўтирарди. У жангин бошқа кунга кўчиришни ихтиёр қилибди. Қаламдон ва қалами талаб қилиб, бир парча қоғозга: "Айтинг қора либосли сипоҳлар қайтсинлар", деб ёзиб уни вазирага берибди. Вазири ўқиб чиқибди, лекин бу гап унга ёқмабди. У ўзининг саҳтиён этигининг кўнжидан қаламдонни олиб, сийҳ сўзининг остига бир нуқта қўйиб, уни сипоҳдорон қилибди, сўнгра гардан сўзига битта нун қўшиб, уни "нагарданд" қилибди. Ва у ўз қўшинига юборибди. Улар мактубни ўқиб чиққач, олға юриб, душман сипоҳийларига шикаст етказибдилар. Шу боис учун: "Сийар ул-мулк"да бир нуқта билан 50 минг қилч тор-мор қилинган деб ёзилган. Шундай қилиб, қудратли душмандан ақл-заковат голиблик қилган экан.

Бир олим ўз ўғилларига насихат қилиб айтади:

— Азиз фарзандларим, илмли, хунарли одам бўлишга ғайрат қилин, илм ва хунар ҳар нарсадан қимматлидир. Бир одамнинг молу дунёси кўп бўлсаю хунари бўлмаса бу одам ҳосилсиз қуруқ дарахта ўхшайди. Илмли, хунарли бўлсангиз турмушингизда ҳеч нарсага муҳтож бўлмайсиз, халқнинг иззати ва ҳурматига сазовор бўласиз.

Машҳур олимлардан яна бири айтади:

— Ҳар нарсани кўришга ва сўрашга қизиқиш — ёш болаларнинг энг яхши ҳосиятидир. Бу эса уларнинг илмга бўлган ҳаваслари неғизидир. Агар ёш бола бирор нарса ҳақида сўраса, "Жим ўтир, оғзингни юм, сен билмайсан, ҳар нарсани сўрайверма", деб уни сўрашдан тўхтатманг, берган саволларидан қулманг, болага очик юз, мулоимлик билан аниқ-равшан жавоб беринг. Агар шундай қилмасангиз боланинг илмга бўлган ҳавасини тўхтатган бўласиз.

● Билим манбаи беҳад: инсоният бу йўлда қанчалик ютуқларга эришмасин, барча одамларнинг изланиши, кашфи ва билими учун ўрин топади.

● Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди.

● Билим инсонга ҳамма йўлда йўлдошдир.

Байт:
Йигитликда йиғ илмнинг
мағзини,
Қарилик чоғи ҳарч қилгин
ани.

ЎЗБЕК ТЎНИ
КИЙДИРИЛДИ

Бельгия пойтахти Брюсселнинг ўзига хос рамзи — бронзадан ишланган жажжи кичкинтой қиёфасидаги фаввора «Манекен пис» шаҳарнинг энг томошагоҳ ёдгорликларидан бири сифатида ҳар йили қўллаб сайёҳларни ўзига жалб этади. 1619 йили бунёд этилган мазкур ҳайкалча Бельгия халқининг фахр-ардоғи бўлиб, унга махсус либос тикиш бир неча асрлардан буён миллий анъанага айланган.

Дунёнинг кўпгина мамлакатлари ўзларининг миллий кийимларини Брюсселнинг «Манекен пис» музейига тўхфа этишган. Бугунги кунда ушбу музейда жаҳон халқларининг 700 дан зиёд либослари сақланмоқда.

Яқинда музей учун яна бир янги либос — Ўзбекистон миллий театри тикувчилик устахонасида махсус тикилган ўзбек миллий тўни тўхфа этилди. Шу муносабат билан Брюссель шаҳар ҳокимиятининг кўҳна қабуллар залида мазкур совғани тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

Расмий маросимни «Манекен пис» дўстлари ассоциацияси раиси Ги Луазо жаноблари ўзбек тилидаги «ассалому алайкум» каломи билан очди.

Брюссель ҳокими ўринбосари Брюно де Лил шаҳар маъмурияти Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонасининг ўзбек тўнини «Манекен пис» ёдгорлигига тўхфа этиш ташаббусини катта иштиёқ билан қўллаб-қувватлаганини таъкидлаб, бу саховат замирида икки мамлакат ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, маданий алоқаларни ривожлантиришга бўлган интилиш мавжудлигини эътироф этди.

Тақдимот маросими якунида йиғилганлар «Баҳор» давлат ансамбли артистлари ижросидаги ўзбек миллий рақслари, карнай-сурнай ва доира садолари остида шаҳар марказининг «Гранд плас» майдонида жойлашган «Манекен пис» ёдгорлиги томон йўл олишди.

У ерда тўпланган кўпсонли шаҳар аҳолиси ва чет эллик сайёҳлар ноёб манзара — ўзбек либосини кийган жажжи кичкинтойни томоша қилиш ва таъсирга тушириш имконига эга бўлишди. Мамлакатимиз совғаси энди Брюсселдаги «Манекен пис» музейи экспонатлари қаторидан жой олади ва ҳар йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни кўҳна ёдгорликка кийдирилади.

**Ж.МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА
Брюссель**

Ушбу концертда анъанавий ҳамда замонавий руҳдаги муסיқий композициялар миллий кото ва сякухата асбобларида ижро этилди.

Бу гуруҳнинг афзаллиги шундаки, улар миллий муסיқа воситаларини рок элементлари, жаз импровизациялари билан моҳирона уйғунлаштирганлар.

Концертда қуйлар ижро этилган като асбоби 1200 йиллик тарихга эга бўлиб, Шарқий Осиёда кенг тарқалган. Бу чолғу ўзбек миллий асбоби қонун ва Европадаги чолғулардан арфага ўхшаб кетади.

Концертдан сўнг «Кокоо» гуруҳининг раҳбари Атикаду Жамакура билан суҳбатлашдик.

— Айтингчи жаноб Накура, Японияда миллий чолғуларда замонавий муסיқа асарларини ижро этувчи оркестрлар мавжудми?

— Афсуски бизда бундай оркестр йўқ, шунинг учун

қўпинча Англия ва Америка оркестрларида фаолият юртаман. Биз қўпинча замонавий асарлар ижро этамиз. Менга

нима дея оласиз?

— Мен бу оркестр ижросини тинглаб чуқур таъсирландим. Билишимча Сўғдиёна

• САНЪАТ

«КОКОО» ГУРУҲИ
ТОШКЕНТДА

Республикаимизда бўлиб ўтаётган Япония маданияти кунлари доирасида машҳур «Кокоо» гуруҳи илк маротаба мамлакатимизга ташири буюрди. Мазкур гуруҳ Самарқанд ҳамда Тошкент шаҳарларида катта концерт дастурини намойиш қилди.

айниқса жаз муסיқаси ёқади. Эркин импровизацияни жуда яхши кўраман.

— Сиз яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг «Сўғдиёна» оркестри ижросидаги ўзбек миллий муסיқаларини тингладингиз. Бу оркестр ҳақида

Ўзбекистонда ўзига хос янгилик. Ўзбекистоннинг гўзал табиати, инсонларнинг бир-бирига самимий муносабати, ўзбек маданиятининг олижаноб намуналари ушбу оркестр ижросида мужассамлашган. Мен ишонаманки, бу оркестр келажакда янада катта муваф-



• МУНОСАБАТ

ЎЗ САЛОМАТЛИГИМИЗГА
ЗАРАР ЕТКАЗМАЙЛИК

Куз ўзининг фусункорлиги ва тилларанг сепини кўз-кўз қилиб, ўлкамиз узра гўзаллигини намойиш этмоқда. Ҳар қадамда олтин фаслнинг қудратига бўйсунган дов-дарахтларнинг тилла барглари оёғингиз тагида унсиз шитирлайди. Сокин кузнинг бундай чиройидан завқланмай иложи йўқ кишининг. Аммо ушбу фаслда инсонлар томонидан билиб-билмай қилинаётган кўнгилни хира этувчи айрим ноҳўя ҳодисалар ҳам учраб турибдики, бунга бефарқ муносабат бўлиш мумкин эмас.

Куз фаслида оёқ остидаги тилларанг барглар кимларнинг-дир кўнглини кўтариши табиий, аммо ҳар тарафга сочилиб ётган хазонлар шаҳримиз озодалигига бирмунча пугур етказди. Эътибор берадиган бўлсак, тонг саҳарлаб фаррошлар томонидан йиғилган хазонлар тезда ёқиб ташланиб, гўёки атроф тозалиги таъминлангандек бўлади. Лекин, хазон уюмининг ёқилишидан осмонга ўрлаётган захарли тутунлар экологиямизга салбий таъсир этишини кўпчилик англаб етмаса керак. Шу ўринда озгина орта назар ташлайдиган бўлсак, илгарилари ҳар бир ўзбек хонадониде ахлат уюмлари ташланадиган махсус ўралар бўлган. Чикиндилар ҳам, хазон уюмлари ҳам мана шу ўрага ташланиб, кейинчалик кўмиб қўйилган. Хўш, нимага шундай йўл тўтилган? Уша пайтда нега хазон уюмлари бугунгидек ёқилмаган? Бу саволга Собир Раҳимов туманидаги «Обод» маҳалласида яшовчи Гулсара ая Рустамова шундай дейди:

— Илгарилари ота-боболаримиз бизга ёқилган ахлат уюмлари ва хазонлардан чиқадиган захарли газлар ҳавонинг бузилишига олиб келишини ёшлигимиздан уқтириб келганлар. Бунинг инсон саломатлигига ҳам ёмон таъсири бор, албатта. Кўмиб ташланган хазонлар ёмғир, қор ёғиши натижасида ер

остида чиройиди ва чиринди тупроқнинг унумдорлигини оширади. Ёндирилган чиқиндиларнинг кули эса нафақат ҳавонинг тозаллигига, балки, ер таркибининг бузилишига ҳам таъсир қилади. Яна шунга айтиш мумкинки, ҳатто ноннинг ҳам қуйган қисми кўп истеъмол қилинса, бу одам ҳаёти учун зарарлидир.

Бундан ҳам кўриниб турибдики, хозирги пайтда озодлик, тозаланиб ўйлаб, тезда ёқиб ташланаётган хазоннинг захарли кул уюмлари она заманимизга ҳам жиддий хавф туғдириши табиий.

Оролнинг қуриётгани, завод-фабрикалардан чиқётган захарли газлар, ҳар кунги автомобиллардан таралаётган зарарли тутунларнинг экологиямизга салбий таъсир кўрсатиши камми? Ёки бўлмаса ишлаб чиқарилаётган кимёвий маҳсулотларнинг зарарлари? Нима учун биз бунинг олдини олиш учун ҳаракат қилиш ўрнига яна бир салбий ҳолатни улар қаторига қўшишимиз керак? Ахир осмонимиз муссафоллиги, атрофимиз гўзаллиги, заманимиз унумдорлиги келажак авлодларимиз учун бизлардан қолувчи мерос-қў! Мерос бўлган нарса доимо омонатдир. Омонатга хиёнат қилиш эса энг катта гуноҳлар қаторига қиради.

Орзуғул БУРҲОНОВА

фақиятларга эришади.

— Жаноб Накура, «Сўғдиёна» оркестри билан ҳамкорликда қуйлар ижро этишни хоҳлармидингиз?

— Шунга айтиш жоизки, ўзбек муסיқаси ва Япон муסיқаси ўртасида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд. Ҳатто япон анъанавий муסיқасининг шаклланишида ўзбек миллий муסיқасининг таъсири катта. Менинг фикримча, ҳамкорликдаги ижро жуда чиройли бўларди. Агар мени таклиф қилишса албатта рози бўлардим.

— Келажакдаги режаларингиз қандай?

— Ўзбекистонни улкан таассуротлар билан тарқ этамиз ва Қозоғистон ва Қирғизистон шаҳарлари бўйлаб концертлар уюштириш режаларимиз бор.

Ўзбекистонга, унинг меҳмондўст халқига улкан зафарлар тилаб қоламан.

**Саодат ЖУРАБЕКОВА
суҳбатлашди.**

Шурфа олам
КЎЛИНГИЗНИ
КЎТАРИНГ

АҚШнинг мўъжазгина шаҳарларидан бирида Фолстерлар оиласи ўз хусусий емакхоналарини ўғрию каззоблардан тозалашнинг энг антиқа усулини топишибди.

Емакхонага кириверишдаги магнитофонни бурайдилар. Шу заҳотиёқ ундан классик муסיқа янграйди. Натигада ўғри ва нашавандлар бирин-бирин емакхонани тарк эта бошлайдилар.

Бу ишга Фолстерлар оиласини нима мажбуради? Михозлар томонидан тушаётган доимий шикоятларда.

— Биринчи марта шу муסיқани кўйганимизда эшик олдида 42 киши турган эди, аммо ярим соат ўз-ўтмас у ерда ҳеч ким қолмади, — дейди емакхона бекаси.

УЙКУСИЗЛИК-
НИНГ ФОЙДАСИ

Ярим тунда Олов шаҳридаги уйнинг бетон ус-тунларидан бири ағанаб тушди. Агар бахтли тасодиф бўлмаганида эди фалокатнинг олдини олиш қаяқда дейсиз. Фалокат содир бўлишдан ростманасига беш дақиқа аввал уй эгаси сув ичиш учун ошхонага киради. Девордаги ғалати товушни эшитган аёл ҳам сапчиб туриб кетади. Девор эса ётоқхонага ағанаб тушади. Афтидан бу бир неча йиллар аввал уйни қурган қурувчиларнинг «арзмаси» хатосига ўхшайди.

ЯШИЛ
КОМАТЛИ
МАРИЯ

Воронеж вилоятининг Воробьевск туманида барпо этилган оромгоҳнинг тузилиши хушқад соҳибжамолни эслатади. Бу ерга мингдан зиёд ниҳол ўтқазилган. Одамлар уни ям-яшил аёл, деб атамоқдалар. Шу боис ҳам оромгоҳ Мария деб номланган.

Ниҳолларни боғдорчиликни яхши биладиган одамлар ўтқазибди. Унинг беш қисми қуёш соатиға ўхшайди. Ўтқазилган гуллар Мариянинг онгидан далолат эмиш. Қўллари қайин, оёқлари эса қарагайлардан бино бўлган бу соҳибжамолга яқинда хуштор ҳам топилиб қолса, ажаб эмас. Чунки воробьевскийлар Толучеевск дарёсининг нариги соҳилида ошиқ йигит тимсолини акс эттирадиган яна бир оромгоҳ барпо этишни режалаштирмоқда.

Бельгиянинг Гент шаҳрида 30-Фларманд халқаро кинофестивали ўз ишини якуналади. Бу йилги юбилей фестивалида дунёнинг 45 мамлакатидан 270 та фильм, шу жумладан 170 та бадиий ва 100 та хужжатли фильм намойиш этилди.

ЕВРОПАДА
«ДИЛХИРОЖ»

Мазкур нуфузли халқаро анжуманда биринчи мартаба, ўзбе киноси — кинорежиссёр Юсуф Розиковнинг «Дилхирож» бадиий фильми тақдими бўлиб ўтди. Фильмни томоша қилган мухлис-лар эътирофига кўра, олис тоғли ўлкада икки ёшнинг беғубор севгиси ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу киноасар уларда катта таассурот қолдирди. Кинотанқидчилар эса фильмни қизиқари ва ёрқин, профессионал даражада суратга олингани, унда ортиқча томошабинни зериктирадиган тасвирлар йўқлигини қайд этишди.

Айтиш жоизки, Фларманд фестивали танловига саралаб олинувчи фильм учун бош мезон муסיқанинг фильмдаги роли ва унга таъсири-

дир. Бу Гент киноанжуманини Европадаги бошқа нуфузли Берлин, Канн ва Венеция фестивалларидан фарқловчи асосий жиҳатдир.

Мамлакатимиз киноижодкорлари махсулотидан ташқари МДХ мамлакатлари орасида фақат Россия Федерацияси ўз фильмларини фестивалга тақдим этди. Мазкур ҳол Ўзбекистонда ҳукуматимиз саъй-ҳаракатлари ила миллий кино ишлаб чиқариш аънавалари сақланиб қолгани ва ҳозирда «Ўзбекино» ДАК махсулотлари Европа киноэкранларини бирин-кетин забт этаётганидан далолат бермоқда.

Ж.МУТАЛОВ
«Жаҳон» АА
мухбири. Брюссель

Янги нашрлар

НАВОИЙ ВАТАНИ

Яқинда Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат муқофоти соҳиби Барот Бойқобиловнинг мустақиллик йилларида эълон қилинган бадиалари жамланган «Навоий Ватани» китоби «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг Бош таҳририяти томонидан чоп этилди.

БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ



НАВОИЙ ВАТАНИ

Хуррият ва руҳият куллийтига жамланган ушбу мақолаларнинг барчаси элу юрт ташвиши билан ёзилган бўлиб, уларда Ватан ва миллат равнақи, мустақиллик масъулияти, маънавият ва маърифат, миллий гоя ва миллий туғур масалалари қаламга олинган. Бу китобда Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Хожа Ахрор Валий, Шекспир, Воҳид Абдулло, Ботурхон Валихўжаев, Мурод Шарифхўжаев ва Абдуғафур Абдумажидов ҳақида ҳам бадиалар мавжуд.

Ушбу китоб беш қисмдан иборат бўлиб, унда: «Ватан ва миллат», «Хуррият ва руҳият», «Йирик сиймолар — трик сиймолар», «Улуғ айём суҳбатлари», «Ҳамсақент тўҳфалари» сингари алоқатта, озолиққа, меҳр-муҳаббатга ташна қалб нодиси, халқимизнинг орзу-уйлари билан йўрилган бадиалар жамланган. Уларнинг ўта қуюнчилик билан ёзилгани яққол кўзга ташланади.

Матнолар, фикрлар, уйлардан турилган ушбу бадиалар китобхонни беварқ қолдирмайди, уларни фикрлашга, мулоҳаза ва мушоҳадага чорлайди.

«Навоий Ватани» китобидан олий ўқув юртлари талабалари ҳам ўқиб жараёнда бемалол қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин. Хуллас, бу бадиалар ижтимоий таҳлил фалсафий нуқтаи назаридан ёритиб берилиши билан алоҳида ажралиб туради. Миллат келажаги йўлида битилган ушбу бадиалар, ўйлаймизки, кенг жамоатчиликни, китобхонлар оммасини ўзига жалб этади.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — **ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!
ХЎРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!
«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси
2003 йилнинг 31 октябрь 7,14,21,28 ноябрь 5,12,19,26 декабрь
кунлари аукцион савдоларини ўтказиши
Савдоларга Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган ер участкаларига
узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади:

№	Ер участкасининг жойлашган манзили	Қурилиш қўлда тутилган иншоот	Сатҳи, (га)	Бошланғич нархи, сўм	19. Үйгўр кўчаси	манший хизмат кўрсатиш уйи	0,016	3 483 656
1	2	3	4	5	20. Жарариқ мавзеси (2 га)	савдо растаси	0,0108	2 495 444
21. Жарариқ мавзеси (8 га)						савдо растаси	0,0216	3 699 687
Чилонзор тумани								
1.	Чилонзор-3 мавзеси	маданий дам олиш мажмуаси	0,28	20 449 000	22. Сергели-5 мавзеси, Г-40,0м кўчаси	маданий-манший ва савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
2.	Тахтагул кўчаси, Чилонзор-10 мавзеси	умумий савдо ва оқатланиш шохобчаси	0,04	3 540 720	23. Сергели-5 мавзеси, Г-40,0м кўчаси	маданий-манший ва савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
3.	Чилонзор-19 мавзеси, 2-Қатортол кўчаси 1-сон	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,018	4 255 320	24. «Кўйлик»-5 мавзеси, Ким-Пен-Хив кўчаси	савдо, умумий оқатланиш ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,03	3 028 800
4.	Чилонзор-19 мавзеси, 2-Қатортол кўчаси (2 та)	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,012	3 374 880	25. Чошпена кўчаси (8 та)	хўнаранлар растаси	0,009	1 499 265
5.	Чилонзор-10 мавзеси, Тахтагул кўчаси	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,024	3 349 056	26. Сергели даҳаси, 1-мавзе, Сергели кўчаси	кафе-ресторан	0,03	3 411 000
Собир Раҳмонов тумани								
6.	Камаринео кўчаси	нон дўкони	0,01	3 138 600	27. Қичқоқ-Хонобод йўналиши бўлган	савдо дўкони	0,012	1 543 920
7.	Низом кўчаси (3 та) ер	савдо растаси	0,0144	2 487 171	Юнусов тумани			
8.	Низом кўчаси	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,015	2 952 720	28. Т.Зоҳидов кўчаси	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,02	2 942 240
Акмад Икромов тумани								
9.	ТХИ, техниканин коридор	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,06	3 628 800	29. Юнусов-14 мавзеси, В.Висоқий кўчаси	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,08	14 134 140
10.	Шайхзода кўчаси	интернет-кафе	0,019	3 186 032	30. Юнусов-19 мавзеси, В.Висоқий кўчаси	савдо дўкони	0,04	5 790 800
11.	Дуфий кўчаси	савдо дўкони	0,04	4 977 900	31. Юнусов-18 мавзеси, В.Висоқий кўчаси (5 та)	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,03	4 857 000
Миробод тумани								
12.	«Кўйлик»-3 мавзеси	қўдаҳона	0,02	3 432 300	32. «Юнусов»-15 мавзеси, Т.Зоҳидов кўчаси	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,03	3 984 420
13.	Бехтевр кўчаси	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,045	3 891 000	33. Чимкент катта йўли	ателье ва дўкон	0,03	3 921 540
14.	У.Олимбеков кўчаси	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,04	3 509 200	34. Касалибой мавзеси, Тикланич кўчаси	дўкон	0,03	2 506 470
15.	Тошхўжаев кўчаси	минимаркет	0,02	2 561 600	35. А.Дониш кўчаси	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,024	3 479 220
Мирзо Улдубек тумани								
16.	Х.Абдуллаев кўчаси	дўкон	0,025	5 122 675	36. А.Дониш кўчаси	чайхона	0,025	3 573 750
17.	Х.Абдуллаев ва кўчалари кесиниши	Раҳматуллин дўкон	0,024	4 992 012	37. А.Дониш кўчаси	савдо, манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,025	3 573 750
Шайхонтоҳур тумани								
18.	Дойиҳада Г-34,0м кўчаси	савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,06	20 679 000	38. Шолохов кўчаси	манший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,007	2 290 200

2003 йилнинг 28 ноябрь, 5,12,19,26 декабрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига юқоридагиларга қўшимча тарзда Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, «Ц» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,15га, бошланғич нархи 9 785 421 сўм бўлган, автомобилларга хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи ҳам қўйилади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Аукцион савдоларида катнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади. Савдодан соат 11.00да бошланади.

Савдода катнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархидан 5 фоизи микдоридидаги закат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «а» уй. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси
2003 йилнинг 17 октябрь кунин ўтказилган аукцион савдоларида:
Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг
давлат белгиси 00-99 ТНМ қўллар УАЗ-3303-01 русумли автотранспорт воситаси 440 000
сўмга ҳамда тугатилаётган «2-ихтисослашган механизация бошқармаси» ОАЖнинг РДК
25 русумли гусеницали крани 8 150 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

СПОРТ

АНГЛИЯДАН ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Бошқа спорт турлари қатори ўзбек кураши бутун жаҳон мамлакатлари бўйлаб кенг қулоч ёзмоқда. Шу кунгача жаҳоннинг 73 дан ортиқ давлатида курашнинг тан олинганлиги, бу мамлакатларда кураш федерациялари фаолият кўрсатаётганлиги юқоридаги фикримизнинг далилидир.

2000 йилдан буён эса Буюк Британияда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов халқаро турнири Буюк Британия миллий кураш федерациясининг ташаббуси билан уюштирилмоқда. Бу турнир курашнинг нафақат Осиёда, балки Европада ҳам кенг ривожланаётганидан дарак бериб турибди. Илгари хабар берганимиздек, яқинда Буюк Британиянинг пойтахти Лондон шаҳрида тўртинчи маротаба Ислоҳ Каримов турнири уюштирилди. Ўғил болалар, қизлар, фахрий курашчи аёллар ва эркеклар ўртасида турли хил вазн тоифасида ташкиллаштирилган ушбу турнирда иштирок этган ўзбекистонлик полковникларга бир қатор совриндан эгаси бўлиш насиб этди. Мурасасиз ва қизиқарли ўтган беллашувлар якунида ҳамюртларимиздан эркеклар баҳсида Аъзам Исмомов олтин, Анвар Пиров кумуш, Алишер Бўронов бронза, Фуқрат Маматов олтин, Умид Бозоров олтин, Иброҳим Каримов олтин, аёллар беллашувларида Умида Сафарова кумуш, фахрийлар баҳсида Хушвақт Кафиев кумуш медалларни ўз ваъдаси тоифасида қўлга киритишди.

НУРМУХАММАД — ОЛТИН МЕДАЛ СОҲИБИ

Франсидада фахрийлар ўртасида самбо бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан самбо спортининг усталари иштирок этишиб, голиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Ушбу нуфузли турнирда катнашган терма жамоамиз аъзоси Нурмухаммад Юсуповга эса омад қулиб боқди. У барча рақибларини енгиб жаҳон чемпионатининг олтин медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

АВТОПОЙГАЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Истиклол шарафати туфайли юртимизда спортнинг барча турлари қатори автопойга ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни кейинги йилларда автомобиль поймаи бўйича уюштирилган кўплаб мусобақалар ҳам яққол исботлаб турибди. Эътиборлиси, ёшлар ўртасида автопойга бахсларига қизиқётганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Кунни кеча Тошкент шаҳрида автопойга мусобақалари ўтказилди. Тошкент шаҳар хокимлиги ва автомобиль спорти федерацияси ташаббуси билан уюштирилган ушбу мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган спортчилар голиблик учун кескин кураш олиб боришди. Қизиқарли ва мурасасиз ўтган бахслар ишқибозлар кўнглини хушнуд этди ва турнир якунида голиб ҳамда совриндорларга мутасаддилар томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Акбар ЙУЛДОШЕВ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компаниялари томонидан мусобақа голиби ва унинг рафиқасига мамлакатимизга бир ҳафталик саёҳат йўлланмаси тақдим этилгани хусусида илгари хабар берилганди.

Ушбу сафар сўнггида Ганс-Гюнтер Дардеман саёҳат таассуротлари билан ўртоқлашиб, қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистонда ҳис этган нафис туйғулар шодасини сўзларда ифодалашга ожизман. Ушбу жаннатмакон ўлкага келгунга қадар мамлакатингиз ҳақида кўп ва хўб ўйинган эдим. Аммо юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деганлари рост экан. Саёҳатимизнинг дастлабки кунлариданоқ ўзбек халқининг қалб ҳарорати, меҳмондўстлиги бизни лол қолдирди.

Рафиқам иккимизга бўлган самимий ва дўстона муносабатни ҳис этиш учун ўзбек

қиқамиз янгилик ҳамда ўзига хос кашфиётларга бой бўлди.

Биз ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва миллий қадриятлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик.

Буюк ипак йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби азим шаҳарларни зиёрат қилар эканмиз, шарқ меъморчилиги дурдоналарини ўзида мужассам этган мислсиз кўркам бинолар ҳамда саройлар ўтмиш руҳини ҳис этиш имконини берди. Гўри-Амир, Регистон, Сомониийлар мақбараси, Минораи-Калон каби тарихий обидалар қалбимизда завқ-шавқ ҳиссини уйғотди.

Ушбу саёҳат таассуротлари бутун умр ёдимизда қолади.

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА,
Берлин

САЁҲАТ ТААССУРОТЛАРИ

Германияда ўтказилган «Ўзбекистон ҳақида нималарни биласиз?» викторинида **Ганс-Гюнтер Дардеман Буюк ипак йўли дурдоналари бўлиши Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари жамолидан баҳраманд бўлди.**

тилини билишга ҳоҷат қолмади. Мухими, бундай муносабат нафақат бизга, балки барча меҳмонларга кўрсатилар экан. Мамлакатингизда ўтказган ҳар бир да-



ЁШ САМБОЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Шаҳримиздаги «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятида 1988-1989 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида самбо бўйича Тошкент шаҳар очик биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

«Динамо» жамияти ва пойтахт жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган биринчилик беллашувларида «Динамо», «ТТЗ», «Ёшлик» клублари ҳамда Республика олимпия заҳиралари коллежининг 200 га яқин тарбияланувчилари иштирок этишди. Ёш самбочилар жами 9 та ёш тоифаси бўйича галаба учун баҳс юритишди.

Кескин ва мурасасиз «жанг»лардан кейин голиб ва совриндорлар аниқланди. Жумладан 29 килограммгача бўлган энг энгил вазнда «ТТЗ» клуби вакили У.Абдуқайюмовга омад қулиб боқди. 32 ва 35 килограммгача вазнларда галаба «Динамо»чи М.Алиевга насиб этиб, у бирварақайига иккита олий нишоннинг соҳиби бўлди. Қолган вазн тоифаларида эса «Динамо» вакиллари Р.Қориев, Д.Тельмани, С.Кенжаев, «Ёшлик» клубидан А.Қўлдошев ҳамда Ш.Дадабоев, шунингдек Э.Тожиев («ТТЗ») шурмат ҳушқўласининг энг юқори поғонасидан жой олдилар.

Умумжамоа ҳисобида ҳам «Динамо» клуби биринчи ўринни эгаллади.

Ҳолиблар дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: гиламда — шаҳримизнинг ёш самбочилари. Алексей Попов олган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИПАР

«Тошкент оқшоми»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз:

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

oytaxt
INFORM
132-26-44 132-26-45

Кўнгли учун мусика, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз раъносини танлайди «Пойтахт-Информ».

Габрово натифалари

АЛДАР ҚОП

Габрово яқинида жойлашган қишлоқларда яшовчиларнинг қизиқ бир одатлари бор экан: улар от қўшилган араваларда бозорга олди-сотти қилиш учун мол олиб боришар, йўллари эса бир тепаликдан ўтаркан. От тепаликдан эсон-омон ўтиб кетиши учун улар сули солинган қопни оғзини боғлаб, отга яқинроқ қўйиб қўйишар, от эса хашакнинг ҳидини олиб: унга интила-интила тепаликдан ўтиб кетар экан. Бу тадбиркорлик ҳозиргача сақланган бўлиб, у Тор балашини (Алдар қоп) деб аталади.

КИСҚА ТЕЛЕГРАММА

Габроволик савдогар ишларини битиргач, уйига — хотинига телеграмма жўнатмоқчи бўлди: «Моллар яхши кетди нукта жума куни Габровода бўламан нукта сенинг Димитринг».

Бундоқ қараса телеграмма чўзилиб кетгандек туюлди, дарҳол ўчира болади: «жума куни кечқурун етиб бораман нукта сенинг Димитринг».

Бу ёганлари ҳам савдогарга маъқул бўлмади. Чунки ўзи барибир етиб борадида! Яна ўчирган эди: «Сенинг Димитринг» қолди, холос.

— Буни жўнатиб бекорга пул сарф қилиб, нима қилдим, ўйлади савдогар, — ахир менинг Димитрий эканлигим маълум-ку. У шундай ўй билан почта хонадан қиқиб кетди.

ЖИН УРАРМИДИ...

Бир киши Габрово атрофидаги қишлоқ болаларини

хунарга ўргатарди. Ҳақиқа хонадонлар қўлбола вино ваъда қилишган эди. «Икки юз хонадондан икки челақдан жами тўрт юз челақ вино пуллаб олсам, ажойиб иш бўларди», — хунарманд ана шундай орузлар билан винога каттакон бочка тайёрлаб қўйди.

Бочкага тўрт юз челақ вино ағдаришгач, харидорлар ҳам кела бошлашди. Улар ичимликдан таътиб кўришгач, афтарларини бўжмайтиришди ва бочкадаги вино эмас, купқуруқ сув эканлигини маълум қилишди. Хунарманд буни эшитиб, донг қотиб қолди. Буни қарангки, икки челақ билан бочкадаги винога жин урармиди, деб барча хонадон эгалари бочкага сув қуйишараверган экан.

ҲАР КИМ ТОПГАНИНИ...

Бир куни турли шаҳарда яшовчилар ўзаро давра қуришиб ўз шаҳарларини бири қўйиб, бири роса мақташибди. Албатта баҳсда ҳеч ким бошқалардан ортда қолишни истамабди. Улар янаги учрашувга ўз шаҳарларидан энг яхши таом келтиришга келишиб, тўрт тарафга тарқалишибди.

Учрашувга ҳасковлик қовурилган кўзичок, пловдивлик анвойи мевалар, карловолик ерэнгёк, троянлик олхўри ароғи, Бур шаҳарлик қовурма балик, асеновградлик вино, Галик оряховицалик қовурилган қолбаса келтирибди. Габроволик эса... акасини етаклаб келибди.



— Чуқур нафас олинг, чикаринг!
Абдурасул Ҳақимов чизган расм

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, оғсест усулида босилади. 3871 нуссада босилади. Қирғиз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан бўйхатга

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишни энг мушкул.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.